



Ўзбекистон Республикаси
Қурилиш ва
уй-жой коммунал
хўжалиги вазирлиги.

№ 3486-3166-ebc0-09ca-6d37-5992-7110
Хужжат яратилган сана: 2024-09-19
Ариза рақами: 147335232

Хужжат берилган: "URBAN NEW PROJECT" MAS'ULIYATI
SHEKLANGAN JAMIYAT
СТІР: 305853518

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ҚУРИЛИШ ВА УЙ-ЖОЙ КОММУНАЛ ХЎЖАЛИГИ ВАЗИРЛИГИ
Тошкент шаҳар Қурилиш бош бошқармаси
Лойиҳа-смета ҳужжатларини келишиш бўйича Архитектура ва шаҳарсозлик кенгаши ишчи
органининг
2024-09-19 даги 147335232 -сонли
ХУЛОСАСИ

т/р	Тақдим этиладиган маълумотлар	
1.	Ариза рақами:	147335232
2.	Мурожаат этувчи Лойиҳа ташкилотининг номи:	ООО "URBAN NEW PROJECT"
3.	Лойиҳа-смета ҳужжатларининг буюртмачиси номи:	"BAGUS STEEL" МЧЖ
4.	Объект манзили:	Мирзо Улуғбек тумани, Алишеробод МФЙ
5.	Лойиҳа-смета ҳужжатларининг номланиши:	"Савдо ва маиший хизмат курсатиш , мехмонхона , умумий овкатланиш хизматлари ва урта каватли турар-жой бинолари"
6.	Архитектура-режалаштириш топшириғининг реквизитлари:	1726-1726269-198770

Лойиҳани кўриб чиқиш натижаси

т/р	Категория	Нагижа	Изох
1.	Сўровноманинг тўғри тўлдирилганлиги:	Ижобий	
2.	Объект бош режасининг ечими тўғри топилганлиги:	Ижобий	
3.	Объектнинг меъморий ечими тўғри топилганлиги:	Ижобий	
4.	Лойиҳада автотураргоҳ масаласи ҳал этилганлиги:	Ижобий	
5.	Қурилиш чизигига амал қилинганлиги:	Ижобий	
6.	Ситуацион планда аниқ кўрсатилганлиги:	Ижобий	

7.	Ёнғин ҳавфсизлиги ва санитария талабларига амал қилинганлиги:	Ижобий	
8.	Лойиҳада имконияти чекланган шахсларнинг манфаатлари ҳисобга олинганлиги:	Ижобий	
9.	Лойиҳада энергиясамарадорлик талабларига амал қилинганлиги:	Ижобий	
10.	Лойиҳа ташкилоти лицензия орқали рухсат берилган соҳа доирасидан ташқари объектнинг лойиҳаси ишлаб чиқилганлиги:	Ижобий	
11.	АРТ талабларидан четга чиқиш:	Ижобий	

Алоқадор ташкилотларнинг хулосалари:

Худудий ёнғинга қарши назорат хизмати: Келишилган;

Қўшимча маълумотлар: Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2022 йил 20 апрел кунидаги 200-сонли “Қурилиш соҳасига оид ягона маъмурий қурилиш регламентларини тасдиқлаш тўғрисида”ги Қарорининг 4-маъмурий илова “Лойиҳа-смета ҳужжатларини келишиш бўйича давлат хизматлари кўрсатишнинг маъмурий регламенти”га асосан “my.gov.uz” ЯИДХП орқали келиб тушган 147335232-сонли мурожаатни ўрганиб чиқиш бўйича хулоса “URBAN NEW PROJECT” МЧЖга 12.09.2024 йил 23/30-1423-сонли Мирзо Улуғбек тумани Фавқулудда вазиятлар бўлими томонидан, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2022 йил 20 апрель кунидаги 200-сонли “Архитектура ва Қурилиш соҳасида Давлат хизматлари кўрсатишнинг айрим маъмурий регламентларини тасдиқлаш тўғрисида”ги Қарорининг “Лойиҳа-смета ҳужжатларини келишиш бўйича давлат хизматлари кўрсатишнинг маъмурий регламенти”га асосан “my.gov.uz” ЯИДПХ портали орқали келиб тушган 147335232-сонли мурожаатга асосан Мирзо Улуғбек тумани Алишеробод МФЙ Жасорат кўчаси 125-уйда жойлашган “BAGUS STEEL” МЧЖга қарашли худудда қурилиши режалаштирилган “Савдо ва маиший хизмат кўрсатиш, меҳмонхона, умумий овқатланиш хизматлари ўрта қаватли турар жой бинолари” объектлари қуриш учун ишлаб чиқилган дастлабки эскиз лойиҳасининг 1-босқичи “А” блоки хизмат ваколоти доирасида ўрганиб чиқилди. Қуйидаги фавқулудда вазиятларни олдини олиш ва ёнғин хавфсизлигини таъминлашга қаратилган тадбирларни амалда бажариш шарти билан қурилиш ишларига қаршилик билдирилмайди, яъни - қурилиши режалаштирилаётган бинонинг ёнғин бардошлик даражаси II-дан кам бўлмаган ҳолда амалга оширилсин. Асос: ШНҚ 2.07.01-03* “Шаҳарсозлик” 1-мажбурий илова; - қурилиши мўлжалланаётган бино билан қўшни худудда жойлашган бинолар билан оралиқ масофалари амалдаги ШНҚ 2.07.01-03* (Шаҳарсозлик) меъёрий ҳужжатининг 1-илова (ёнғинга қарши талаблар), 1-жадвалига асосан амалга оширилсин; - ажратилган ер майдонида лойиҳалаштирилаётган бино атрофида автомобил йўли четидан бинони деворигача бўлган масофа энг камида 5 м қабул қилинсин. Асос: ШНҚ 2.07.01-03* “Шаҳарсозлик” 1-мажбурий илова, 15-банди; - ажратилган ер майдонида лойиҳалаштирилаётган бино атрофида ёнғин ўчириш ва махсус автомобиллар ҳаракатланиши учун энг 6 метрдан кам бўлмаган қаттиқ қопламали йул қолдирилсин. Асос: ШНҚ 2.07.01-03* “Шаҳарсозлик” 1-мажбурий илова, 15-банди; - бинонинг ертўла қаватидан бинодан ташқарига чиқиш зина катаклари умумий зина катакларидан ёнғинга қарши девор билан ажратилган ҳолда тўғридан-тўғри ташқарига чиқадиган қилиб лойиҳалаштирилсин (Асос: ШНҚ 2.01.02-04, 5.9-банди); - ертўла қаватидаги автотураргоҳ автоматик ёнғин ўчириш тизими билан жиҳозлансин (Асос: СП 113.13330.2016, 6.5.3-банди); - ертўла қаватидаги автотураргоҳда тутун ҳайдаш тизими ўрнатилсин (Асос: СП 113.13330.2016, 6.3.8-банди); - кўп қаватли турар жой биносининг биринчи қавати нотурар жой тоифасида лойиҳалаштирилсин; - ёнғин гидратларини автомобил йўли бўйлаб қатнов қисмининг четидан 2.5 метрдан ортиқ бўлмаган масофада, унинг олдида ходимлар ва ёнғин ўчириш автомобиллари қаттиқ қоплама

устидан етиб бориши имкони лекин бино деворларигача 5 метрдан яқин бўлмаган масофада назарда тутилиши лозим. Асос: ШНҚ 2.04.02-19 “Сув таъминоти. Ташқи тармоқлар ва иншоотлар” 8.16 банди. Юқорида кўрсатилган тадбирлардан бири бажарилмаган тақдирда ушбу хулоса ўз кучини йўқотган ҳисобланади. Бўлим бошлиғи Ф.М.Джуроев Ижрочи: М.Носиров ;

Худудий санитария-эпидемиология хизмати: Келишилган;

Қўшимча маълумотлар: Санитария-эпидемиологик осойишталиги ва жамоат саломатлиги қўмитаси Мирзо Улуғбек тумани бўлими Сизнинг, ягона давлат хизматлари интерактив порталига юборган 147335232 - сонли мурожаатингиз асосида Мирзо Улуғбек тумани Алишеробод МФЙ, “Савдо ва маиший хизмат кўрсатиш, офис, меҳмонхона, умумий овқатланиш хизматлари, ўрта қаватли турар-жой биноларини қуриш учун ишлаб чиқилган эскиз лойиҳаси, Ўзбекистон Республикаси соғлиқни сақлаш вазирлиги томонидан 2016 йили тасдиқланган 0339-16-сонли “Санитарные правила и нормы планировки и застройки населенных мест Республики Узбекистан” СанҚваМнинг 22.1, 22.2 -бандида кўрсатилган инсоляция нормалари, ҳамда 22.4.банди биноларнинг инсоляцияси камида 2 та хонада таъминланиши ва 1,2.3 хонали уйларда эса 1 хонагача инсоляция нормаси режалаштирилиши лозим. Юқорида кўрсатилган СанҚваМнинг 37-бандида белгиланган 2 - 4 қаватли биноларнинг узун томонлари оралиқ масофаси 25 метрдан кам бўлмаслиги, 9 қаватли биноларга 40 метрдан кам бўлмаслиги шарт. (мавжуд бинолар ҳам инобатга олинади). СанҚваМ №0350-17 “ Санитарные нормы и правила по охране атмосферного воздуха населенных мест Республики Узбекистан”нинг 6.4.1 жадвалида кўрсатилган кўп қаватли автотураргоҳ ва очик турдаги автотураргоҳлар, кўп қаватли турар жой бинонинг торец (ойналари бўлмаган ён томони) қисми 15 метрдан кам бўлмаслиги ва турар жой биносининг ойналари бўлган қисмига нисбатан 11 дан 50 та автомобил ўринга 15 метр, 51 дан 100 та автомобил ўринга 25 метр, 101 дан 300 та автомобил ўринга 35 метр, 300 та ва ундан юқори бўлган автомобил ўринга 50 метрдан кам бўлмаган масофа сақлансин. Шу жумладан ШНҚ 2.07.01-03, 21.1. бандида келтирилган Турар-жой бинолари, турар-жой ва жамоат, шунингдек саноат бинолари ўртасидаги масофалар қуёш нурунинг тушиши (инсоляция) ва ёритилганликни ҳисоблашлар асосида, асосий турар-жой бинолари ва хонадонлари ёнидаги ҳовлиларнинг кўриниши чегаралари, шунингдек ёнғинга қарши талабларга мувофиқ тарзда қабул қилиниши зарур (1-илова). Кўп хонадонли турар-жой уйлариининг узун томонлари ўртасидаги масофалар (хоналарнинг яққол кўринмаслик талабларидан келиб чиққан ҳолда) қуйидагича қабул қилиниши лозим: баландлиги 2-3 қават бўлган турар-жой уйлари учун - 15 м кам бўлмаган; 4-5 қаватлилар учун - 25-30 м кам бўлмаган; яшаш хоналарида деразалари бўлган ушбу биноларнинг узун томонлари ва ён томонлари учун - 10 м дан кам бўлмаган. 9 ва ундан кўпроқ қаватли бинолар учун узун томонлари ўртасидаги масофа - 40-45 м дан кам бўлмаган; яшаш хоналарида деразалари бўлган ушбу биноларнинг ён томонлари учун - 20-25 м дан кам бўлмаган масофалар сақлансин. ШНҚ 2.07.01-03* “Шаҳарсозлик” талабларига асосан ажратилаётган ҳудудда қурилиши мўлжалланган бинолар қўшни ҳудудда мавжуд бўлган турар ва нотурар бинолари билан оралиқ масофаларни сақланишини; - қурилиш ишларини амалга оширишдан аввал чегарадош ҳудудда жойлашган турар ва нотурар жой эгаларидан розилик хатлари олинсин. СанҚваМ 0329-16 «Санитарные правила и нормы содержания и благоустройства территорий населенных мест Республики Узбекистан»да 3-бўлимида кўрсатилган талаблар яъни мийиш чикинди йиғиш ва олиб кетиш пунктлари лойиҳада ишлаб чиқилсин. Мазкур хулоса қурилиш учун асос бўлмайди. Юқорида кўрсатилган тадбирлардан бири бажарилмаган тақдирда ушбу хулоса ўз кучини йўқотган ҳисобланади.;

Хулосани тасдиқлаган ходим: O`zbekiston Respublikasi Qurilish Vazirligi;



Маълумотлар:

- Хулоса берувчиларнинг хулосасида кўрсатилган талабларни бажариш, муҳандислик тармоғидан химоя масофаси сақлаш ёки ўз ҳисобидан кўчириш, дархастларни сақлаб қолиш шарти билан, юридик ҳужжатга эга тегишли ер майдони қисмида лойиҳа ишларини давом эттириш, шартли равишда келишилсин.
 - Лойиҳалаш жараёнида АРТда кўрсатилган талабларни бажариш талаби белгиланди.
 - Лойиҳани мажбурий тарзда "Yangi O'zbekiston ko'chasi ishbilarmonlik markazini qurish va ekspluatatsiya qilish direksiyasi" билан келишил шарти белгилансин ва келишилгандан сўнг лойиҳа ишлари давом эттирилсин.
- Қуйдаги талаблар: Лойиҳада келишиб берилган барча бино ва иншоотларда туғи ёритиш тизимини ўрнатиш талаби белгилансин ва ушбу талаб лойиҳада кўрсатиб ўтилсин.
- Кенгаш аъзолари томонидан юқорида кўриб чиқилган лойиҳалар юзасидан ШНҚ асосида ҳар бир берилган талаб ва шартлар тегишлилиги бўйича назоратга олиш ва ушбу ишлар амалга оширилмагунга қадар Тошкент шаҳар қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги соҳасида назорат қилиш инспекцияси бино фойдаланишига қабул қилинмаслиги назоратга олсин.
- "Худудий электр тармоқлари" АЖнинг Тошкент шаҳар филиали, "Нидий газ рухташ" газ таъминоти филиали, Тошкент шаҳар "Сув таъминоти" МЧЖ директорлари ҳар лойиҳани аниқ ҳисоб китобларга таъинган ҳолда юқламалар яратиш шартларини аниқ белгилаб берсин. Белгиланган меъёrlардан ошқича юқламаларда ишлаган ҳудудларда коммуникация тармоқларига уланнишга йўл қўймасин.
- Экология, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва иқлим ўзгариши вазирлигининг Тошкент шаҳар бошқармаси ҳар бир ҳудудни ўғаниб, юқоридаги ҳар бир лойиҳалар учун иқлим шароитига мос бўлган айланаси 18 смдан, баландлиги 3 метрдан кам бўлмаган дархастлар, 6 литрдан кам бўлмаган буталар экилишини назорат қилсин. Лойиҳалаш жараёнида атроф муҳитга таъсир кўрсатилиши тўғрисидаги баёнот лойиҳаси (ЗВОС) олиш шарти белгилансин.
- Лойиҳада муҳандислик тармоқларининг юқламалари инobatта олган ҳолда техник шартлар олиш ва ушбу техник шартлар талабларини бажариш ҳамда уларга туташ ҳудудларнинг қўқаламзорлаштириш (дархастлар, буталар, бошқа ўсимликлар ва навиҳолларини экин) майдонлари лойиҳа учун ажратилган ер участкалари умумий майдоннинг 25 фоизидан кам бўлишига йўл қўйилмаслиқ талаби белгилансин.
- Лойиҳа ташкилотлари томонидан лойиҳалаштирилаётган биноларда углеводородлар ва электр энергияси истеъмолини камайтириш мақсадида, энергия тежамкор қурилиш материалларидан фойдаланиш, иссиқ сув таъминоти, ёритиш ва бивалент иситиш тизими учун фотоэлектрик тизимлар, геотермал коллекторлар ва иссиқлик насосларини ўрнатиш, муҳандислик тармоқларини ҳам инobatта олинсин.
- Лойиҳаларни кўриб чиқиб натижаси бўйича мутасадди бошқармалар ўз йўналишини бўйича маъсул эканлиги белгилансин.
- Маъмур ҳудудда лойиҳа асосида қурилиш ишларини олиб бориш учун ён қўшнилари розилигини олиш тавсия этилади.
- Ушбу хулоса қурилиш ишларини бошлашга асос бўлмаслигини, шунингдек, хулоса талаблари бажарилмаган тақдирда ҳамда тегишли ер майдони чегарасидан чиқиб кетган ҳолда лойиҳалаш ишлари олиб бориш тақдирда қонунчиликда белгиланган тартибда хулосани бекор қилинишига сабаб бўлиши муқимлигини ва бундай ҳолатда жавобгарлик лойиҳа ташкилоти зиммасига юқлатилишини маълум қиламиз.

Маъмур ҳужжат Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 15 сентябрдаги 728-сон қарорига мувофиқ Ягона интерактив давлат хизматлари порталида шакллантирилган электрон ҳужжатнинг нусхаси бўлиб, давлат органлари томонидан ушбу ҳужжатни қабул қилишни рад этишлари қатъиян тақиқланади. Ҳужжат ҳақиқийлигини gero.gov.uz веб-сайтида ҳужжатнинг ноёб рақамини киритиб ёки мобил телефон ёрдамида QR- кодни сканер қилиш орқали текшириш мумкин.

8660

